

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

## Ўзбекистонда соғ'лиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, info@uzssgz.uz • 2015 йил 11 декабрь • № 51 (1072)

### Муносабат

## ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ – ОИЛА БАХТИ

Конституциямиз нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши жамиятимизда қарор топган тинчлик ва ҳамжихатликда, ҳаётимизга янги мазмун бағишлаётган ислохотлар замирида, юртдошларимизнинг ўзгариб бораётган онгу тафаккурида, ҳар бир оила, ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топмоқда.



Дарҳақиқат, мамлакатимизда оламшумул ўзгаришлар амалга оширилиб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора чирой очиб, аҳоли фаровонлиги юксалиб бормоқда. Бунинг натижасида фуқароларимизнинг ён-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси, эртанги кунга муносабати ва ишончи мустаҳкамланиб, сиёсий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданияти ҳам ортмоқда.

Мамлакатимизда Бош Қомусимиз моддаларининг барча соҳаларда изчиллик билан татбиқ этилишига қаратилган кенг миқёсли ислохотлар амалга оширилмоқда. Унинг муҳим жиҳатларидан яна бири, фуқароларга берилган ижтимоий ҳуқуқларнинг қонуний мустаҳкамланганлигидир.

**Кунни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Юртбошимиз кириб келаётган 2016 йилни – Соғлом она ва бола йили деб эълон қилдилар.** Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш тизимининг нафақат моддий-техник, балки ҳуқуқий базаси ҳам мустаҳкамланганлиги, бугунги кунда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар амалдаги 14 та қонун билан тартибга солинганлиги диққатга сазовордир. Биргина жорий йилда парламентимиз томонидан ушбу соҳада “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”, “Йод этишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонунлар қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

### Эътироф

## МЕҲНАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ



Эътироф этиш жоизки, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Фармонларида мувофиқ ҳар йили энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрами арафасида ҳар бир соҳада узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб келаётган юртдошларимизни Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирлаш яхши топширилди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган фаолиятларга алоҳида тўхталиб ўтди ва бу борада эришилаётган ютуқларимиз натижасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб бораётганлигини таъкидлади. Давлатимизнинг юксак мукофотларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Адҳам Икромов топширди.

– Истиқлолимиз шарофати билан тизимимизда катта ўзгаришлар бўлди. Янгича қиёфа кашф этаётган шифо масканлари, замонавий тиббиёт аппаратуралари ҳамда малакали кадрларнинг илмий салоҳияти, шунингдек, аҳоли учун яратилаётган кенг тиббий имкониятлар бугунга келиб ўз маҳсулини бераёпти. Ҳатто, қўлга киритаётган муваффақиятларимиз хоризлик ҳамкасбларимиз томонидан юксак баҳолалиб, Ўзбекистон тиббиёти жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб бор-

моқда. Бугунги кунда тиббиёт ходимлари меҳнатини қўллаб-қувватлаб, уларни юксак мукофотларга муносиб кўраётган Юртбошимизнинг эътибор ва ғамхўрликлари бизни руҳлантириб, янада шижоат билан ишлашга ундамоқда. Шу жумладан, мени ҳам камтарона меҳнатим учун “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” унвони билан тақдирлаган Президентимизга ўз ташаккуримни билдираман, – **дейди Республика онкология илмий маркази таркибидаги рентген-радиология маркази мудири Александр Ососков.**

– Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига қаратилган эътибор туфайли, соҳада улкан муваффақиятларга эришмоқдамиз. Пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанада давлатимиз раҳбари: “Барчамизга яхши аёнлик, ҳар бир инсон аввало Олҳоннинг марҳамати билан она зотининг ўз боласини юраги остида асраб, тўққиз ой давомида

тортган машаққатлари туфайли дунёга келади. Шу боис, ҳаммамиз Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлган аёлларимиз тимсолида ҳаёт абадийлигини таъминлаб келаётган табаррук зотларни кўрамиз...” дея таъкидладилар ва 2016 йилга “Соғлом она ва бола йили” деб ном бердилар. Бу албатта, юртимиз хотин-қизларига бўлган юксак эҳтиромдан далолат. Ана шундай ажойиб ўлкада камол топиб, Президентимиз томонидан “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланганим мен учун қутилмаган бахт бўлди. Бунинг учун Юртбошимизга ўзимнинг чексиз мамнунлигимни билдириб, она ва бола саломатлиги йўлида астойдил хизмат қиламан, – **дейди Республика “Она ва бола скрининги” маркази директори Мадина Каримова.**

– Тарихга назар ташлаб, шуни айтиб ўтмоқчиманки, бундан 20 йил муқаддам соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш мақсадида бир гуруҳ шифокорлар қаторида

(Давоми 2-бетда).

## Эътироф

## МЕХНАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ

мен ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қабулларида бўлган эдим. Ушанда соҳада кўп йиллар давомида меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг машаққатли меҳнатларини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фикрлар

сохибларининг сафи кенгайиб бораётганлиги ҳамда юртимиз тиббиётининг жаҳонга юз тутаётганлиги барчамизни қувонтиради. Давлатимизнинг юксак мукофоти – “Меҳнат шўхрати” орденига сазовор бўлар эканман, кўзларимда қувонч ёшлари қал-

раш диспансери бош шифокори, вилоят бош фтизиатри Абдувоҳид Содиков.

– Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонларига асосан, босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган давлат мукофотига сазовор бўлганлар орасида “Шўхрат” медаллари билан тақдирланганимни кўриб, серкуёш Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан фахрланиб кетдим. Мамлакатимизда бирламчи тизим ҳамда мазкур йўналишда фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари меҳнатига кўрсатилаётган ғамхўрлик барчамизнинг касбий маҳоратимизни янада ошириб, аҳоли билан кенг қамровда ишлашга имконият яратмоқда. Бундан нафақат тиббиёт ходимлари, балки аҳоли ҳам мамнун. Дарҳақиқат, халқнинг дуосини олиб, унинг дардига нажот бахш этмоқ ва ҳалол ишламоқ энг олий бахт эканлигини Соғлиқни сақлаш вазирлигида тантанали равишда топширилган “Шўхрат” медалини олиш чоғида яна бир қарра ҳис этдим, – дейди Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги “Кавардон” қишлоқ врачлик пункти мудираси Санобар Узоқова.

– Аввало, инсон учун ўз меҳнати маҳсулини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Тиббиёт тизимида хизмат қилаётган ҳамкасбларим қатори камтарона меҳнатим Президентимиз томонидан муносиб баҳоланиб, “Меҳнат шўхрати” ордени билан тақдир-

аппаратуралар билан жиҳозланганлиги, малакали мутахассислар ноёб операцияларни амалга ошираётганлиги эътирофга лойиқдир. Марказимиз ривожланган давлатларнинг етакчи клиникаларидан асло қолишмаслиги бизни қувонтиради, –



билдирилган эди. Фахр билан айтиш жоизки, шу кунга қадар тиббиёт ходимлари орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари ҳамда бир қанча орден ва медал

(Давоми. Боши 1-бетда).

қиди. Меҳнатимизнинг машаққатли ва масъулиятли томонларини қадрлаб, юксак мукофотга муносиб кўрган Президентимизга самимий миннатдорлигимни изҳор қилиб қоламан, – дейди Тошкент вилояти силга қарши ку-



ланганим учун давлатимиз раҳбарига ташаккуримни билдираман. Бугунги кунда аҳолига 10 та ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари томонидан тиббий хизмат кўрсатилаётганлиги ва улар энг сўнгги русумдаги

дейди академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази бош шифокори Шўхрат Ҳошимов.

Ибодат СОАТОВА.  
Муаллиф олган суратлар.

## Муносабат

## ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ – ОИЛА БАХТИ

Дарҳақиқат, фуқаролар соғлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган долзарб масалаларга жиддий эътибор қаратилиши боис, мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичи йилдан-йилга камайиб бораётгани, аҳолини юқумли, вирусли ва ўта хавфли инфекциялардан асраш, соғлом, қўлай атроф-муҳит шароитлари билан ва экологик хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳамда беморларга тегишли ҳажмдаги малакали тиббий хизмат, жумладан, шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш, қишлоқ жойларида замонавий қишлоқ врачлик пунктларини барпо этиш орқали у ерда истикомат қилаётган фуқароларга врачлик тиббий ёрдамни яқинлаштириш, тиббиётнинг 10 та муҳим йўналиши бўйича замонавий Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларини ташкил этишга эришилди. Халқимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73,5, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етгани, навқирон авлоднинг жисмоний ва интеллектуал салохияти ошгани бу эзгу ишларнинг самарасидир.

Конституцимизнинг тантанали маросимида Юртбошимиз ўтаётган 2015 йилдаги фаолиятларга ҳам алоҳида ургу бериб ўтдилар. Биринчи навбатда ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга оид Давлат дастури қабул қилингани ва бу йўналишда 5-6 йилга

(Давоми. Боши 1-бетда).

мўлжаллаб режалаштирилган ишлар ўз самарасини бераётганлиги эътироф этилди. Хусусан, шу йилнинг ўзида 2 миллион 750 минг нафар отахон ва онахоннинг пенсия миқдори 20 фоиздан зиёд кўпайтирилиб, уларга давлат бюджетидан 12 триллион 888 миллиард сўм пенсия тўлангани, ўз вақтида ва узлуксиз етказиб берилгани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, 1941-1945 йиллардаги урушда қатнашган ва фронт ортида хизмат қилган 61 мингдан ортиқ фахрийларимизга коммунал хизматлар бўйича 3 миллиард 900 миллион сўм миқдоридagi компенсация пуллари тўлаб берилди. Бундан ташқари, 100 ёшга етган ва ундан ошган кексаларимизнинг пенсиясига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдориди устама тўлаб бориш тизими татбиқ этилди ва шу каби бир қатор бошқа чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат дастури доирасида фахрийларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, шу йўналишга ихтисослаштирилган даволаш ва ижтимоий хизмат муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш бўйича ҳам кўп ишлар қилинди. Жумладан, барча ҳудуд ва минтақаларда “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида кексалар, пенсионер ва ногиронларга ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган ижтимоий тадбирлар ўтказилди. Уларда 215 мингдан зиёд отахон ва онахонларимиз чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг саломатлигини тиклашга эътибор қаратилди. 50 минг-

дан ортиқ уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, пенсионер ва ногиронлар санаторийларда бепул даволанди. Уларнинг 7 минг нафарига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилди, 5 мингдан кўпроқ қарияларимиз учун замонавий клиникаларда операциялар ўтказилди. Инвестиция дастури асосида 141 та тиббиёт муассасасида қарийб 495 миллиард сўмлик реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди, улар замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланди ва кадрлар салоҳиятига алоҳида аҳамият қаратилди. “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида 2 триллион 246 миллиард сўм ва 225 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфлангани Юртбошимиз томонидан алоҳида эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари 2016 йилга ном бериш масаласида тўхталиб шундай дедилар: “Маълумки, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Ҳар қайси онгли инсон жондан азиз фарзандининг бахтини, камолини ўйлаб, ҳамиша эзгу орзу-интилишлар билан яшайди, ўз зурриёдининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини истайди” ёки “Соғлом бола соғлом ва ахил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади” деган кўп асрлик вақт синовидан ўтган сўзларни тилга олиб, бутун жамоатчиликка соғлом ва баркамол авлодни воёга етказиш, биринчи навбатда, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласи ҳар биримизнинг доимий устувор вазифамиз бўлишини таъкидлаб ўтдилар.

Бу соҳада зарур ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, миллат генофондини яхшилаш,

аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш борасида улкан ишларни бажариш, хусусан Тошкент шаҳрида Жанубий Корея давлатининг беғараз ёрдами билан қиймати 130 миллион 600 минг доллар бўлган кўп тармоқли замонавий болалар шифохонасининг қурилиши давом этаётганлиги йирик лойиҳа сифатида эътироф этилди. Бу мажмуанинг – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳудудида ягона бўлган, тўртинчи ва энг юқори даражага эга ноёб тиббиёт масканининг яқин келгусида фойдаланишга топширилиши соғлом авлод тарбияси йўлида улкан қадам бўлиши таъкидланди.

“Соғлом она ва бола йили” муносабати билан қабул қилинади Давлат дастури ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотларни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқади.

Шу билан бирга соҳада ҳалихануз ўз ечимини кутаётган қатор долзарб вазифалар ҳам мавжуд эканлигини Юртбошимиз маърузаларида яна бир бор таъкидладилар ва олдимизга ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан қатор вазифаларни қўйдилар, жумладан:

– она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш Миллий моделига мувофиқ оналар ва болалар соғлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, перинатал, скрининг марказлари, тугруққа кўмаклашиш ҳамда педиатрия муассасаларининг моддий-техник базасини янада ри-

вожлантириш ва мустаҳкамлаш, перинатал ҳамширалари билим ва кўникмаларини юқори даражага кўтариш;

– аёллар ва болаларни уйда патронаж тартибиде бориб кўриш, аҳолининг санитария-эпидемия бўйича хотиржамлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни, санитария-гигиена жиҳатидан тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишдир.

Муҳим вазифалардан яна бири бу фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишдир. Репродуктив ҳуқуқ – бу барча эр-хотин жуфтликлар ва алоҳида шахсларнинг болалар сони, улар орасиданг оралик ва уларнинг туғилиш вақти ҳақида эркин ҳамда тўлиқ масъулият ҳисси билан қарор қабул қилиши ва бунинг учун шарт бўлган маълумот воситаларига эга бўлиши борасидаги асосий ҳуқуқларни тан олишидир. Оиланинг мустаҳкамлиги кўпгина омиларга, жумладан улардан асосийси – она ва боланинг саломатлигига боғлиқдир. Она соғлом бўлсагина, ундан жисмоний ва ақлий жиҳатдан соғлом фарзанд дунёга келади. Оилавий турмуш қуришга тайёрланаётган йигит ва кизларимиз соғлом бўлишлари, аёлларни фақатгина ҳомиладорлик даврида саломатлигини сақлабгина қолмай, балки қизларни ёшлик давридан бошлаб соғ-саломат ўсишларини таъминлаш лозим.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади” деган ҳаётбахш гоя ҳар бир юртдошимизнинг қалбига чуқур кириб бориши, ана шу улғу ишга муносиб ҳисса қўшиши барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши лозим.

Шаҳзод Тўраев,  
журналист.



Ўзбекистон  
Respublikasi



Jahon  
banki

«Salomatlik-3»

loyihasi №12

Проект

«Здоровье-3»

Амалий татбиқ

# «СОҒЛОМ ҲАЁТ» ДАСТУРИДА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛОТИ

**Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигини кўтаринки кайфиятда нишонладик. Мазкур санага бағишлаб, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов республикаимизнинг асосий Қонуни бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ҳаётида тутган ўрни, унинг мазмун-моҳияти, жамият тараққиётининг муҳим омили эканлиги тўғрисида ўз фикрларини баён этдилар. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг: «Соғлом бола соғлом ва ахил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади. Асрлар давомида ўз тасдиғини топган бу ҳақиқатни тушунтириб, изоҳлаб ўтиришнинг хожати йўқ деб ўйлайман. Ана шундай муҳим ҳаётий қадриятни жамиятимизда янада чуқур қарор топ-

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури асосида амалга оширилган ишларга эътибор қаратиб, дастур доирасида фахрийларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, шу йўналишга ихтисослаштирилган даволаш ва ижтимоий хизмат муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш бўйича кўплаб ишлар қилинганлигини эътироф этиб, қуйидагиларни айтиб ўтдилар: «Барча ҳудуд ва минтақаларимизда «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» деган шиор остида кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ихтисослаштирилган



тириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ишларимизни янада юксак босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган янги – **2016 йилни юртимизда Соғлом она ва бола йили** деб эълон қилишни таклиф этаман», деган пурмаъно сўзлари замирида келажак авлодни соғлом вояга етказишдек эзгу гоё ётади. Юртбошимиз ўз маърузаларида

тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган ижтимоий тадбирлар ўтказилди. Улардан 215 мингдан зиёд отахон ва онахонларимиз чуқур тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг саломатлигини тиклашга кўмак берилди. Ўтган йил қабул қилинган қароримизга мувофиқ, 50 мингдан ортиқ уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, пенсионер ва ногиронлар санаторийларда бепул даволан-

ди. Уларнинг 7000 нафарига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилди, 5000 дан кўпроқ қарияларимиз учун замонавий клиникаларда операциялар ўтказилиб, улар ўз дардига шифо топди. Табиийки, бу борада соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизматнинг сифатини давр талаблари даражасига кўтариш алоҳида аҳамият касб этади».

Аввало, бу каби ишларнинг амалдаги ифодасини Юртбошимизнинг соғлиқни сақлаш тизимига бўлган эътиборлари нечоғлик юқори эканлигида кўришимиз мумкин. Таъкидлашимиз муҳимки, Президентимиз ўз маърузалари якунида аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, ҳомиладор аёлларни асраб-авайлаш, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парвариш қилиш, уларнинг овқатланиш рационини тўғри белгилаш, унинг сифати ва калорияси каби масалаларга жиддий эътибор бериш лозимлигига алоҳида урғу қаратдилар. Шундай экан, республика соғлиқни сақлаш тизимидаги бу каби муҳим вазифаларни астойдил бажариш учун ҳамкорликдаги фаолиятларни янада мустаҳкамлашимиз зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-3» лойиҳаси дастури доирасида олиб борилаётган ишлар ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 сентябрдаги «Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт ассоциацияси молиявий ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох

қилиш («Саломатлик-3» лойиҳаси) Давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1614-сонли Қарорига мувофиқ, республикаимизда, жумладан, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида 2015 йилдан 2018 йилгача «Саломатлик-3» лойиҳаси амалга оширилади. Шу ўринда айтишимиз муҳимки, газетаимизнинг ўтган сонларида лойиҳа доирасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва юқумсиз касалликларнинг олдини олишга қаратилган «Соғлом ҳаёт» дастурининг мақсад ва вазифалари юқорида таъкидлаб ўтилган фикрларда мужассам эканлигини кўрамиз. Аввало, «Соғлом ҳаёт» дастурининг асосий вазифалари шаҳар ва туман миқёсида таълим, тиббиёт муассасалари ва барча корхона-ташкilotларда қуйидаги ишларни амалга (Давоми 4-бетда).



# «СОГЛОМ ҲАЁТ» ДАСТУРИДА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛОТИ



ошириш кўзда тутилган:

– аҳоли орасида тиббий маданиятни ошириш;

– соғлом овқатланиш, жисмоний фаолликни ошириш, тамаки ва алкоголь каби зарarli маҳсулотларни истеъмол қилмаслик учун шарт-шароит яратиш.

2015 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида «Соғлом ҳаёт» дастури доирасида белгилаб олинган вазибалар бўйича «Саломатлик-3» лойиҳаси мутахассислари Фаргона ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб, амалдаги фаолиятлар билан танишиш, шунингдек, иккала вилоятнинг мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи иштирокида йиғилиш ўтказишди. Йиғилишдан асосий мақсад, дастур доирасида тажриба сифатида олинган Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, юқумсиз касалликлар профилактикаси ҳамда мазкур касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларига қарши кураш бўйича тадбирларни амалга ошириш режалари ишлаб чиқилди. Дастурнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш нафақат умумтаълим мактаблари, соғлиқни сақлаш муассасалари, балки солиқ, ички ишлар бошқармалари, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, оммавий

(Давоми. Боши 3-бетда).

ахборот воситалари каби давлат ва нодавлат ташкилотлари масъул этиб белгиланди. Уларнинг фаолиятини эса, вилоят миқёсидаги ишчи гуруҳи мувофиқлаштириб боради ва зарур ёрдам кўрсатади.

Икки вилоятда бўлиб ўтган мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳининг кенгайтирилган йиғилишида «Саломатлик-3» лойиҳаси мутахассиси Феруза Маманазарова 2016 йил учун чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқишида жаҳон амалиётида самарадор деб топилган ва республика қонунчилиги амалиётидан келиб чиққан ҳолда куйидаги тавсияларни тақдим этди:

– **Дарҳақиқат, юқорида таъкидлаганингиздек, Юртбошимизнинг келажак авлод саломатлигига бўлган эътиборлари «Соғлом ҳаёт» дастурида ўз аксини топганлиги бизни бениҳоя мамнун этди.** Шундай экан, аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш, жумладан, овқатланиш рационидан мева-сабзавотлар истеъмолини кўпайтириш, туз миқдорини чеклаш, меваларни доналаб сотишни тарғиб қилиш ҳамда ташкиллаштириш, ошхоналарни парҳез таомлари тайёрлашга рағбатлантириш ва уларнинг сонини кўпайтириш, мактаб ошхоналарида таом тайёрлаш учун унинг ҳудудида сабзавот, мева ва кўкатлар етиштириш, тоза ичимлик суви бўлишини таъминлаш, мактабда Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария бош врач-

нинг 2010 йил 18 сентябрдаги 8-сон қарорида кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик, соғлом овқатланишни ташкил қилишда ота-оналар билан иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Аҳолининг жисмоний фаолли-

## Амалий татбиқ

ва кўникмаларни семинар, давра суҳбатлари орқали шакллантиришга эришдик.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги «2015-2020 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг соғлом овқатланишини

Маҳаллий телерадиокомпания ва соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда таълим муассасаларида соғлом овқатланиш, соғлиқ учун зарarli бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини

таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 251-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 5 сентябрдаги «2015-2016 ўқув йилларида таълим муассасаларида тарбияланувчи ва ўқувчиларнинг соғлом овқатланишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги 250-сонли буйруғи ижросини таъминлаш, ўқитувчилар, ота-оналар ўртасида соғлом овқатланишга доир тушунтириш ишларини кенг миқёсда олиб бориш ва тарғиб қилишни кучайтириш мақсадида вилоят халқ таъли-

мақсадида вилоят халқ таълими камайитириш мақсадида мактаблар ва тиббиёт муассасаларини «Тамакидан озод ҳудуд» деб эълон қилиш, мактаблар атрофида тамаки ва алкоголь маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик, савдо шаҳобчаларида ушбу маҳсулотларни 20 ёшгача бўлган шахсларга сотилмаслиги, шунингдек, жамоат жойлари ва транспортларда тамаки чекишни назорат қилишни кучайтириш тадбирларини ташкиллаштиришдан иборатдир.

«Соғлом ҳаёт» дастури бўйича Қашқадарё ҳамда Фарғона вилоятларининг умумтаълим мактабларида бўлганмишда, бу борадаги фаолиятлар бизни бефарқ қолдирмади.

**Бобоёр ОЧИЛОВ,**  
Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси мутахассиси:

– Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси тизимида 1520 та муассаса мавжуд. Шундан, 1121 та умумтаълим мактаби (2 таси футбол мактаб-интернати), 2 та меҳрибонлик уйи, 4 та имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси, 34 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 15 та «Баркамол авлод маркази», 18 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 327 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатади.

Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг соғлом овқатланишини ташкил этиш юзасидан доимий равишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, таълим муассасалари ошхона ва буфетларида санитария-гигиена талабларига мос шароит яратиш, тарбияланувчи ва ўқувчилар, педагоглар, ота-оналарда соғлом овқатланиш қўдалари-га амал қилиш юзасидан билим

истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масъул бўлмоқда. Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш юзасидан ҳудудий семинар ташкил этиш режалаштирилди.

Шунингдек, таълим муассасалари раҳбарларига ўз ҳудудларида «Биз чекишга қаршимиз!», «Тамакидан озод ҳудуд!» каби паннолар осиб қўйилиши бўйича кўрсатма берилган.

Сурайё ОЧИЛОВА,  
Қарши туманидаги 4-умумтаълим мактаби директори:



ми бошқармасининг 2015 йил 15 сентябрдаги 184-сонли буйруғи қабул қилиниб, жойларга ижро учун юборилди. Мазкур буйруқ билан вилоят халқ таълими бошқармасининг чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Вилоят халқ таълими бошқармасининг чора-тадбирлар режасида таълим муассасаларида соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи масалалари бўйича маърифий ишларни амалга ошириш, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари материалларини кўпайтириш, машур сиёсатчилар, фан, санъат, жамоат арбоблари, вилоятимиздан етишиб чиққан таълим, тиббиёт, спорт ва бошқа соҳа вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш белгиланган.

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигини кенг нишонладик. Дарҳақиқат, ўзларининг одилона сиёсатлари билан юртимизда тинчлик-осойишталик, қолаверса, инсон саломатлиги, унинг турмуш фаровонлиги ҳамда жамиятимиз тараққиётини кундан-кунга раванқ топтириб бораётган Юртбошимиз борлигидан чексиз фахрланаман. Айниқса, Президентимиз томонидан 2015 йилнинг 5 декабрь куни «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғи-

(Давоми 5-бетда).

**Амалий татбиқ**

лишда 2016 йилни “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинганлиги қалбимни янада фахр-ифтихорга тўлдирди. Ҳақиқатдан ҳам хорижлик экспертларнинг эътирофига, мамлакатимизда она ва бола

семинарида иштирок этдим. Жорий йилнинг август-сентябрь ойларидан бошлаб дастур асосида ишляпмиз. Шу билан бирга, мактабимиз ошхонасини кўздан кечириб, спорт заллари, ўқув маскани

лектуал шахс бўлиб етиштишларида муҳим ўринга эга бўлмоқда. Албатта, бу каби хайрли ишлар бардавом бўлишида давлатимиз раҳбарининг кўрсатилган ғамхўрликлари беқиёсдир. Бунинг исботи сифатида айт-



# «СОҒЛОМ ҲАЁТ» ДАСТУРИДА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛОТИ



саломатлигига бўлган юксак эътиборни бошқа давлатларга намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Президентимиз ўз маърузаларида аёллар ва келажагимиз бўлган фарзандларимиз тўғрисида илиқ фикрларни билдириб, улар саломатлиги миллатимиз бойлиги эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Мана бир неча йилдирки, Қарши туманидаги 4-умумтаълим мактабига раҳбарлик қилиб келмоқдаман. Ўқув масканимизда 733 нафар ўқувчига 70 нафар ўқитувчи таълим-тарбия беради. Шу билан бирга, тиббиёт ходимларимиз болалар

худудидаги савдо шахобчаларининг қай тартибда ишлаши ҳам кўриб чиқдилар. Мактабимиз ён-атрофида Навбахор, Наврўз ҳамда Навойи номидаги маҳаллалар жойлашган бўлиб, улар доимий ҳамкоримиздир. Айниқса, ота-оналар билан оилавий спорт мусобақалари ўтказиб келмоқдамиз. Мактабимиз 20 гектар ерга эга бўлиб, унда узум, ўрик, олма, олча каби мевали дарахтлар ҳамда сабзавот экинлари парвариш қилинади. Боғимиздаги барча мевали дарахтлар ҳосили ва сабзавот экинларидан таом тайёрлашда фойдаланамиз. “Соғлом ҳаёт”

моқчиманки, кун кеча пойтахтимизда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган йиғилишда Президентимиз келажагимиз бўлган фарзандларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда аёлларимизга бўлган ҳурмат-эътибор хусусида тўхталиб, кириб келаётган 2016 йилни “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилганлари ҳам бежиз эмас. Шундай экан, бугунги кунда республикамиз миқёсида мактабгача тарбия муассасалари, ўрта умумтаълим мактаблари, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида тахсил олаётган фарзандларимиз маънан етук ҳамда жисмонан бақувват бўлиб вояга етаётганликларидан кўнглимиз тўқ. Самарали ютуқларга эришишимизда барча соҳаларнинг ҳамжиҳатлигида олиб бораётган фаолиятлари тахсинга лойиқдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасидаги фаолиятлар аҳоли саломатлигини муҳофазалашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур лойиҳа доирасидаги “Соғлом ҳаёт” дастурининг Фарғона вилоятида татбиқ этилганлиги аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда, юқумсиз касалликларнинг олдини олиш ҳамда профилактика ишларини кучайтириш омилидир. Фарғона вилояти ҳокимлигида дастурнинг асосий мақсад-вазифаларига бағишлаб ўтказилган мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳининг кенгайтирилган йиғилишида иштирок этиб, мактабларда саломатликни мустаҳкамлаш имконини берувчи шарт-шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш масаласига афрофлича тўхталдим. Дастурга киритилган Марғилон шаҳридаги 1-, 8- ва Ёзёвон туманидаги 16-, 17-умумтаълим мактабларида бўлиб, ўқув масканлари фаолиятлари билан яқиндан танишдик. Шу жараёнда дастурдан кўзланган асосий вазифаларга жиддий ёндашиш, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб бориш зарурлигига амин бўлдик.



Шунингдек, Юртбошимиз томонидан 5 декабрь кун Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди. Бундай тантаналарни кўриб, шу юртда туғилиб қадр топаётганлигимиздан қалбларимиз чексиз фахрга тўлади. Бўлиб ўтган тантанали йиғилишда Президентимизнинг пурмаъно фикрлари ва олдимизда турган муҳим вазифалар хусусида тўхталиб ўтганликлари ҳар биримизни янада иштиёқ ва шижоат билан ишлашга ундади десам, муболага бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йилни “Соғлом она ва бола

ларни келтириб чиқарувчи хавф омилларига қарши курашиш мавзусидаги “Саломатлик-3” лойиҳасининг “Соғлом ҳаёт” дастури халқимиз саломатлигини ҳимоялашда ўз самарасини бериши шубҳасиз. Мазкур дастурнинг илк босқичида Марғилон шаҳри ва Ёзёвон тумани ҳокимликлари ва унинг тасарруфидаги барча ташкилотларнинг ҳамкорликдаги режаларни тасдиқланди. Марғилон шаҳри ва Ёзёвон туманидан оилавий поликлиникалар ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари, умумтаълим мактаблари танлаб олинди.



